

# Замонавий

таълим-тарбия жараёнини  
ташкил этишнинг устувор  
йўналишлари, ижтимоий  
ва педагогик-психологик асослари



**ЁШЛАРГА ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК  
ХИЗМАТ КҮРСАТИШ МАРКАЗИ**

**«ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНИНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ,  
ИЖТИМОЙ ВА ПЕДОГОГИК-ПСИХОЛОГИК  
АСОСЛАРИ»**

**МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ**

**Мақолалар тўплами**

**Тошкент-2022**

бестолковым существом, носимым разными духами, и человеком, предстоящим перед Господом как ответственная за себя личность. Восстановление фанатика предполагает взять ответственность за самого себя, за свои слова и поступки. Ответственность - это позиция личного предстояния человека перед Богом.

Строители, отвергающие Краеугольный Камень, неизбежно приходят к идолопоклонству. Возврат к Истине, ко Христу означает отказ от кумиров и навязчивых «важных» идей и делает важным и ценным самого человека.

### СПИСОК ЛИТЕРАТУРЫ

1. Пчелинцев А. Пресса и религиозные конфликты. Русская сила. 08.02.2007 г.
2. Гилинский Я.И. Актуальные аспекты проблемы толерантности в современном мире. СПб., 2004. С. 53-58.
3. Алескеров С. Великий парадокс, или Два почерка в Коране. М.: 2004 г.
4. Десять самых значительных конфликтов XX века. Мир и человек. 26.12.2001г.
5. Антонян Ю. Причины этнорелигиозного терроризма. "Нарком". 15.02.2006г.

---

## ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИК ТУШУНЧАСИНинг Социал-психологик таҳлили

Холматов Мансур Абдурахим ўғли  
Ўзбекистон халқаро ислом академияси  
“Дин психологияси ва педагогика” кафедраси таянч докторанти

Диний бағрикенглик муаммосини социал психологияда кўпчилик тадқиқотчилар ўрганишган. Шулардан бири В.А. Тишков шундай фикрни илгари сурди, бағрикенглик – бу ҳамма нарсага ижозат берилиши ва ҳамма гуноҳларнинг кечирилиши эмас, балки бағрикенглик интолерантликнинг кескин шаклларига нисбатан фаол ҳаракатни ўзига қамраб олади. Бир қатор тадқиқотчилар, хусусан Г.У. Солдатова бағрикенглик чегаралари муаммосини

толерантлик ва бепарволик, конформизм, лоқайдлик чегаралари муаммоси билан боғлайди. Чидамлилик ва бепарволик – бу бир-бирини инкор этувчи тушунчалардир, яъни чидамлилик муҳолифлик қилувчи бошқа позицияни, бошқа нуқтаи назарни эътироф этишни билдиради. Бунда индивид бошқа, иккинчи фикр билан ҳамжиҳат эмас, лекин унинг мавжудлик хуқуқини тан олади. Толерантликни индеферентлик билан тенглаштириш, бошқани хуш кўрмаслик ҳиссини ёнгиб чиқиш зарурлигига олиб келиш мумкин, чунки бу ҳолатлар мулоқотнинг - зийраклик ва шеригига эътиборлилик, эмпатияни намоён этиш, атрофдагиларга нисбатан ҳайриҳохлик каби муҳим таркибий қисмларини назардан четда қолдиради. Толерантлик пассив эмас, у активдир. Толерантликни позитив тушунишга унинг қарама-қаршилиги – ўзининг қарашлар тизими, турмуш тарзи, ўзи тегишли бўлган гурӯҳи бошқа ҳаммадан юқори туришига қатъий ишонишга асосланган интолерантлик ёки чидамсизликни аниқлаш орқали эришилади. Ҳозирги замонавий психологик-фалсафий адабиётларда чидамлилик чегаралари ҳақидаги савол қўйидаги сабабларга кўра мунозарали муаммо бўлиб келмоқда:

1. Толерантлик тушунчаси полимодал, ҳамма қабул қилган таърифи мавжуд эмас.
2. Этик келиб чиқишига кўра «толерантлик» баҳоловчи категориядир. Биз ўзимизга, бошқа кишиларга, ўзимизнинг ва бошқаларнинг ҳатти-ҳаракатларига ҳамма тан олган позицияларга мос равиша баҳо берамиз. Масалан, муҳаббат, раҳм-шафқат, ҳамдард бўлиш ва бошқалар ҳамма тан олган ижобий қадриятлардир. Хоинлик, нафрат, ёвузлик ва шу кабилар номаъқул ҳатти-ҳаракатлардир. Лекин бу қадриятлар ҳам етарлича мавхумдир, шу туфайли уларга нисбатан чидамлилик чегарасини аниқлаш қийин.
3. Қадриятлар ҳамма томонидан тан олинмаган бўлса, чидамлилик чегарасини аниқлаш янада қийинроқ бўлади. Эвтаназия, нажот учун ёлғон ишлатиш, аборт, қайтмас оғир патологияли bemорлар ҳаётини сақлаб қолиш, жониворлар устида тажриба ўтказиш каби ижтимоий ҳодиса ва ҳатти-ҳаракатларни «яхши-ёмон» нуқтаи назаридан баҳолаш қийин.

4. Шахс учун муҳим бўлган қадриятлар муҳокама қилинаётганда толерантлик чегараларини аниқлашнинг аслида имкони йўқ.

Толерантлик муаммоси мураккаб, толерантлик ундан ташқарида ўз аҳамиятини йўқотадиган ва барча ҳатти-ҳаракатлар мумкин бўлган чегарани узилкесил ўрнатадиган ягона ечимга эга эмас.

Бу тушунчага ҳаммасидан кўра умумлаштирилган нуқтаи назар фалсафада тақдим этилган. А.И. Ильин толерантликни ўзгалар фикрига, хулқ-авторига ва эътиқодига чидам билан муносабатда бўлиш деб тушуниб, рус православ черкови анъаналарида доимо бошқа диний эътиқоддаги кишиларга нисбатан юқори толерантлик мавжуд, деб ҳисоблайди.

Ю.А. Ищенко чидамлиликни «мулоқотнинг амалий меъёри» деб қарайди. У чидамлиликни шахснинг ўз-ўзини англаши борасида аҳамияти орта борадиган, унинг эса турмушнинг кескин ўзгаришлар содир бўладиган вақтда долзарблиги маълум бўладиган умуминсоний қадрият деб асослайди. В.О. Тишков фикрига кўра толерантлик шахснинг ўз-ўзини англаши, унинг фаолият ва мулоқотда бир бутунлиги билан боғлиқ. В.О. Тишков ўзининг «Толерантлик ҳақида» деган асарида толерантлик субъектини аниқлашга уриниб кўради. Субъект учун толерантлик «туғма гурухга оид ёки индивидуал хусусият эмас, балки конструкциялашга ва маълум шахсий ҳамда умумий қадриятлар, ахлоқ нормаларини амалга оширишга доимий ва йўналтирилган зўр бериб уринишdir».

Миллий чидамсизлик муаммоларини ҳал қила туриб, И.Б. Гасанов толерантликни агрессивликнинг антиподи, деб атайди, ва неофрейдизм вакиллари: В. Райх, К. Хорни, Г. Маркузе, А. Миттерлих, Н. Браун, А. Баллок, Э. Фромм асарларига таянган ҳолда ушбу шахсий сифатларнинг ижтимоий боғлиқлигини асослаб беради, ҳамда агрессивлик - адватнинг, толерантлик эса – тинчликсеварликнинг асосидир, дея хулоса қиласи.

В.М. Золотухин ўзининг «Толерантликнинг икки концепцияси» асарида «толерантлик» тушунчасининг моҳиятини таҳлил қила туриб, ижтимоий ҳаётнинг кўп ўлчамлилиги билан ҳисоблашган ва уни тан олган ҳолда, толерантликнинг фалсафий мазмунини аниқлайди. Унинг фикрига кўра, толерантлик бир томондан

инсон фаолиятини бошқариб турадиган, дунёкарашнинг алоҳида турини шакллантирадиган ахлоқий принцип бўлса, иккинчи томондан – зиддият ва конфликтларни самарали ҳал қилишга имкон берадиган амалий инструментdir.

Бағрикенглик тушунчаси лотинча “толерант” атамасига тўғри келиб, у «tolerane» (чидамоқ) сўзидан олинган. Толерантлик бирор нарсани, ўзгача фикр ёки қарашни, ўз шахсий тушунчаларидан қатъи назар, имкон қадар бағрикенглик ва чидам билан қабул қилишни англатади”. Турли дин ҳамда конфессия вакиллари эътиқодида ақидавий фарқлар бўлишига қарамай, уларнинг ёнма-ён ва ўзаро тинч-тотув яшашини англатади.

Тоқатсизлик ва муросасизлик хилма-хил шаклларда намоён бўлади. Унинг ёрқин кўринишлардан бири камситишидир. “Таълим соҳасида камситишга қарши кураш тўғрисидаги Конвенсиядада ушбу тушунчанинг мазмуни ойдинлаштирилганидан келиб чиқсан ҳолда таълим соҳасидаги камситиш кенг маънодаги ижтимоий камситишнинг ўзига хос кўриниши эканини инобатга олган ҳолда унга ўзаро муносабатларда:

- тенгликни таъминлашга тўскинлик қилиш, бузиш ёки йўқ қилиш;
- турли мезонлар, белгилар бўйича муайян тафовут, истисно, чеклаш ёки устунликларни юзага келтириш;
- тенглик даражаси ва сифатини ижтимоий ҳаёт ва фаолиятнинг муайян доираси билан чеклаш;

Реал воқелик кейинги пайтларда дунёнинг турли мамлакатларида ўзаро муносабатларда ётсираш, муросасизлик, тажовузкорлик, камситиш, куч ишлатиш ва зўравонлик кўринишлари кўпайиб бораётганини кўрсатмоқда.

Бағрикенглик тушунчаси фалсафа, психология ва педагогика каби қатор фанлар доирасида, кўп ҳолларда “миллатлараро мулоқот маданияти” атамаси сифатида таҳлил этилганини таъкидлаш жоиз.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Асмолов А.Г. Толерантность от утопии реальности.//На пути к толерантному сознанию. М., 2000. Б.5-7.
2. Асмолов А.Г. Толерантность от утопии реальности.//На пути к толерантному

сознанию. М., 2000. Б.5-7.

3. Ананьев Б.Г. К психофизиологии студенческого возраста // Современные психолого-педагогические проблемы высшей школы / Под ред. Б. Г. Ананьева и Н.В.Кузьминой. Л., 1974.Вып.2. Б.211-222.

4. Ананьев Б.Г. К психофизиологии студенческого возраста // Современные психолого-педагогические проблемы высшей школы / Под ред. Б. Г. Ананьева и Н.В.Кузьминой. Л., 1974.Вып.2. Б.211-222.

---

## ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАРНИ ТАРБИЯЛАШНИНГ МЕХАНИЗМЛАРИ

М.Э.Мусаева

ТВХТХҚТМОҲМ “Педагогика, психология ва таълим технологиялари” кафедраси мудири

Ш.У.Умарова

Тошкент вилояти Зангиота тумани 11-мактаб ўқитувчиси

Хозирги кунда инсоният ўта шиддатли ва мураккаб, тез суръатлар билан ривожланаётган бир даврда ўқувчи- ёшлар қобилиятларини англай олиш ва таълим олишга бўлган эҳтиёжларини қондириш долзарб ижтимоий-педагогик масала бўлиб, унинг ҳал қилиниши жамият истиқболини белгиловчи омиллардан биридир.

Республикамизда кейинги йилларда давр талабидан келиб чиқиб, иқтидорли ўқувчиларни аниқлаш, тарбиялаш ва ривожлантириш бўйича қуидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: таълим муассасаларида иқтидорли болалар билан ишлашнинг методологик асосларини такомиллаштириш, иқтидорли болалар таълим муассасалари ва умумий ўрта таълим мактабларида иқтидорли болалар билан ишлаш технологияларини ишлаб чиқиш; ёшлар интеллектуал ва ижодий қобилиятларини ривожлантириш; инсон ақлий ва маънавий потенциалини модулли таълим асносида такомиллаштириш.

Маълумки таълим тизимида иқтидорли ўқувчиларни аниқлаш, педагогик жиҳатдан қўллаб-куватлаш ва уларга таълим беришда учта ёндашувга таянилади:

1. Иқтидорли ўқувчилар учун маҳсус ўқув дастурларини яратиш ва таълим муассасаларини ташкил этиш.

## МУНДАРИЖА

Ғайбова Наргиза, Келдиёрова Элеонора	Психологик ёрдам кўрсатишида шахснинг ўз-ўзига баҳосини ўрганиш масаласи	4
Азамат Назаров	Қарор қабул қилишнинг тамойилларининг раҳбар фаолиятида ўзига хос жиҳатларининг назарий таҳлили	8
Шукуров Жаҳонгир	Шахс хусусиятларининг эмоционал интеллект ривожланишига таъсири	12
Ҳамдамова Манзура	Янги Ўзбекистонда – янгича дунёқарашнинг ижтимоий ва педагогик асослари	16
Узаков Каҳрамон	Виртуал мутолаанинг ижтимоий ҳаётда тутган ўрни	21
Yunusova Go'zal, Hakimjonova Gulnoza	To'liq va noto'liq oilalardagi o'smirlarning istiqbol to'g'risidagi ijtimoiy tasavvurlari	24
Самира Рахимова	Влияние средств массовой информации на нравственное, психическое здоровье и воспитание подрастающего поколения	30
Абдуллаев Мумин Мирзо	Шаҳристонийнинг “АЛ-МИЛАЛ ВА-Н-НИҲАЛ” асарида фалсафа ва файласуфларга оид қарашлари	35
Niyazova Dilbar	Kichik mакtab yoshi inqirozi va uni oldini olish hamda bartaraf etishda psixologik treninglarning ahamiyati	40
Ummatov Abror	Psixologning mutaxassis sifatida tergov jarayonida ishtiroki	44
Холмўминова Ойгул	Ўкувчиларда экологик онгни тарбиялашга оид тушунчаларни шакллантириш	50
Sobirova Sojidaxon	Ta'lim sifatiga talabalar irodaviy fazilatlarining ta'siri	54
Азамат Назаров, Эргашева Мухлиса	Рекламани шахс онгига таъсирининг психоманипуляцион механизmlари	58
Сапаров Мурод	Тасаввуфда комил инсон концепцияси вужудга келишинг социал - психологик асослари	64
To'rayev Ozodbek, Gayibova Nargiza	A psychological approach to the gender issue	70
Ne'matullayeva Fayoza	Emotsiya va emotsiya nazariyalari (Jeyms-Lange nazariyasi)	75
Саминова Назокат	Диний маросим тушунчасининг назарий асослари тадқики	79
Кубаев Маъруф	Ўсмир шахсидаги агрессив хулқ атворнинг психологик аспектлари	83
Расулов Абдимумин, Қаххоров Сарвар	Религиозный фанатизм	88
Холматов Мансур	Диний бағрикенглик тушунчасининг социал-психологик таҳлили	92
М.Э.Мусаева, Ш.У.Умарова	Иқтидорли ёшларни тарбиялашнинг механизmlари	96
Кушбаева Шахноза	Роль комплекса шахи зинда в развитии мусульманского градостроительства центральной азии	101
Ergasheva Mohina, Majidov Jasur	Qarilik davrini murakkab bioijtimoiy va psixologik hodisa sifatida o'rganilish ahamiyati	105
Ташева Сурайёхон	Ҳарбий илмсиз ҳарбий таълим бўлмайди	108
Ахмадуллин Рафаэль	Методы анализа социально-психологического образа гармонично развитого поколения	113
Abdullahayeva Mukaddas, Xokimova Nafosat	Maktabgacha ta'lilda o'yinning xususiyatlari	117
Alimova Gulgora	Maktabgacha yoshdag'i bolalar rivojlanishida o'yinlarning psixologik xususiyatlari	121
Alokhuaeva Guzal	Theoretical basis of learning strategies in enriching vocabulary	128
Halilova Dilfuza	Maktabgachada yoshdag'i bolalarning bilish jarayonlarini	135